

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА  
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУРСАНОВ НУРИСЛОМ ИСКАНДАРОВИЧ**

**ДРАМАТИК ДИСКУРСДА ВЕРБАЛ ВА НОВЕРБАЛ КОМПОНЕНТЛАР  
МУНОСАБАТИ**

**(Ўзбек ва инглиз тилларидаги асарлар мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2022**

УЎК: 811.512.133'42 811.111'42

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси

Contents of the annotation of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in philological sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам

**Хурсанов Нурислом Искандарович**

Драматик дискурда вербал ва невербал компонентлар муносабати  
(ўзбек ва инглиз тилларидаги асарлар мисолида).....3

**Хурсанов Нурислом Искандарович**

Соотношение вербальных и невербальных компонентов в драматическом  
дискурсе (на примере произведений на узбекском и английском языках).....25

**Khursanov Nurislom Iskandarovich**

The relationship of verbal and nonverbal components in dramatic discourse  
(on the basis of works in Uzbek and English).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**List of published works**

**Список опубликованных работ.....52**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА**  
**АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУРСАНОВ НУРИСЛОМ ИСКАНДАРОВИЧ**

**ДРАМАТИК ДИСКУРСДА ВЕРБАЛ ВА НОВЕРБАЛ КОМПОНЕНТЛАР**  
**МУНОСАБАТИ**  
**(Ўзбек ва инглиз тилларидаги асарлар мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2022.1.PhD/Ғи2317 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетинда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (adu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Раунова Лайло Рахимовна,  
филология фанлари доктори, профессор


Расмий оппонентлар: Набиева Дилора Абдухамидовна  
филология фанлари доктори, профессор  
Джумабасва Жамила Шариповна  
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ғи 60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 29 сентябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 170100, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, "Университет" кўчаси 129-уй. Телефон/факс: 0 (374) 223 88 30, e-mail: agsu\_info@edu.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс маркази ташиши мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Университет кўчаси 129-уй. Тел.: 0 (374) 223 88 14.)

Диссертация автореферати 2022 йил 29 сентябрь кунин тарқатилди.  
(2022 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли ресс-тр бадиномаси).



## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири тилнинг муайян катламларида учрайдиган хусусий дискурсларнинг лисоний, ижтимоий, маданий, антропологик, семиотик белгиларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, адабиёт ҳамда ижтимоий-маиший соҳаларда учрайдиган дискурсларнинг қўлланиш доираси, лингвопрагматик, когнитив хусусиятлари кенг ўрганилаётган масалалардан ҳисобланади. Драматик дискурс – муайян халқ менталитети, этник ҳосланишини тил орқали ифодалаб берувчи мураккаб жараён. Драматик дискурста шахс фикрий мундарижаси, унинг нуткий вазият билан боғлиқлиги, прагматик ва социопрагматик ҳосланиши реал кўринишда намоён бўлади. Драматик дискурсларнинг лисоний хусусиятларини тадқиқ қилиш терминларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш, миллат ҳаёти, дунёқараши ва маданиятидаги ўрнини белгилашда аҳамиятлидир.

Дунё тилшунослигида икки тил имкониятларини ўрганиш, бир тилдан иккинчи тилга таржима жараёнида юзага келадиган фикрий ифода, унинг шаклий тузилиши, ички нутқ имкониятларини ва аниқ структур хусусиятларини таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар яратилмоқда. Дискурс жараёни, вербал ва новербал компонентларнинг нутқ ваазиятидаги ўрни, адресат ва адресант лисоний онги, маданиятлараро муносабат белгилари, баҳо ва талкин муаммолари тадқиқи тил бирликларининг нутқда реаллашув имкониятларини ёритишга хизмат қилади. Драматик дискурста вербал ва новербал компонентлар муносабатини ўзбек ва инглиз тиллари аспектида тадқиқ этиш тилшунослик соҳасидаги долзарб мавзулардан биридир.

Мустақилликдан кейинги даврда ўзбек тилининг нуфузи ва мавқеини янада ошириш чора-тадбирлари дунёнинг ривожланган тиллари тажрибасидан келиб чиқиб белгиланмоқда. Бугунги кунда "...давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш вазифаси"<sup>1</sup>нинг белгиланиши тилнинг мулоқот табиатини қиёсий ва чоғиштирама аспектда таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотларга замин яратади. Ўзбек тилшунослигида дискурс муаммоси билан боғлиқ илмий тадқиқотларда дипломатик дискурс ва унинг лексик-фразеологик таркиби, диалогик дискурстаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик жиҳатлари, сиёсий дискурста қўлланивчи боғловчи феълларнинг функционал-семантик хусусиятлари, антропонимларнинг дискурс релеванти сифатидаги вазифаси монографик планда атрофлича ўрганилган. Аммо драматик дискурсни хусусий дискурс сифатида ўрганиш, прагматика соҳаси бўлган дискурснинг драматик асарлар матиларидаги хусусиятлари ва уларнинг турли вазиятларда ўзбек ва инглиз тилларида акс этиши борасида махсус илмий изланишлар олиб борилмаган.

<sup>1</sup> "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 21 октябрь. <https://lex.uz/uz/docs/-4561730?query=%27zbek%20tuli%20davlat%20tuli>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сонли “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2020 йил 11 мартдаги 139-сонли “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда дискурсни турли аспектларда ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рус тилшунослиги бадий матнларида дискурснинг воқеланиши бўйича Э.Й.Богданова<sup>2</sup>, В.Й.Филиппова<sup>3</sup> тадқиқот ишларини олиб боришган. Хусусий дискурсларнинг турли аспектларда ёритилиши Э.А.Казимова<sup>4</sup>, И.В.Андреева<sup>5</sup>, Э.В.Соловянова<sup>6</sup> тадқиқотларида ўз аксини топган. Дискурснинг когнитив ва типологик аспектдаги моҳияти масаласи В.Е.Чернявская томонидан ёритилган.<sup>7</sup>

Хориж олимларидан Ж. Гогуен<sup>8</sup>, Л. Гардапхэ, Веннинг Ху<sup>9</sup>, Килинг, К.Кара ва Скотт Т. Поллард<sup>10</sup>, Кесслер, Брад, Лейнс, Венди ва Ромона Перез<sup>11</sup>

<sup>2</sup> Богданова Е.Ю. Лексические приметы дискурса власти и дискурса личности в произведениях С.Довлатова. Автореф. дисс... кандидат. фил. наук. – М.: 2000

<sup>3</sup> Филиппова Ю.А. “Дискурсы сознания” и “дискурсы о сознании” в “новой волне” литературы постмодернизма. Автореф. дисс... кандидат. фил. наук. – М.: 2016.

<sup>4</sup> Казимова Э.А. Персональность в дискурсе побуждения. Автореф. дисс... кандидат. фил. наук. – М.: 2016.

<sup>5</sup> Андреева И.В. Опровержение в институциональном дискурсе. Автореф. дисс... кандидат. фил. наук. – М.: 2008.

<sup>6</sup> Соловянова Е.В. Агональность в академическом дискурсе. Автореф. дисс... кандидат. фил. наук. – М., 2020.

<sup>7</sup> Чернявская В. Е. Дискурс как объект лингвистических исследований // Текст и дискурс. Проблемы экономического дискурса: сб. науч. ст. – СПб.: С.Петербург. гос. ун-т экономики и финансов, 2001. – С. 14.

<sup>8</sup> Goguen J. (2005) “What is a Concept?” *Conceptual Structures: Common Semantics for Sharing Knowledge* // Lecture Notes in Computer Science. Vol. 3596. – pp. 52–77.

<sup>9</sup> Gardaphé, Fred L. and Wenying Xu. “Introduction: Food in Multi-Ethnic Literatures.” MELUS 32.4 (2007): 5-10. Web. 11 Jan. 2011.

<sup>10</sup> Keeling, Kara K. and Scott T. Pollard. “Introduction: Food in Children’s Literature.” *Critical Approaches to Food in Children’s Literature*. Ed. Kara K. Keeling and Scott T. Pollard. - New York: Routledge, 2009.

ва бошкалар «food» («овкат») концепти мисолида дискурснинг бадий адабиётда учрашини тадқиқ қилган. Дж. Лакофф<sup>12</sup>, Й. Гинзбург<sup>13</sup>, И.Р. Галперин<sup>14</sup>, Т.А. ван Дейк<sup>15</sup>, Б. Русселл, Дж. Остин<sup>16</sup>, Дж. Сёрл<sup>17</sup>, С.У. Моррис<sup>18</sup>, С. Пирс<sup>19</sup>, Г.П. Дже<sup>20</sup>лар изланишларида дискурснинг турли қирраларини таҳлил этиш ва кенг маънода дискурсга комплекс коммуникатив воқеа, тор маънода эса коммуникатив ҳаракатнинг ёзма ёки нутқий вербал маҳсулоти сифатида қараш лозимлиги ҳақида фикр билдирилган. Рус тилшунослигида амалга оширилган тадқиқотларда, жумладан, В.Н.Телия<sup>21</sup>, Л.В.Бородин<sup>22</sup>, А.А.Кибрик ва П.Б.Паршин<sup>23</sup>, Е.С.Кубрякова<sup>24</sup>, Л.И.Ермоленкина<sup>25</sup>, Ю.Н. Караулов<sup>26</sup>, В.И. Карасик<sup>27</sup>, М.Л.Макаров<sup>28</sup>, В.В.Виноградов<sup>29</sup>, Н.Д.Арутюнова<sup>30</sup>, Т.В.Матвеева<sup>31</sup>лар изланишларида муаммонинг коммуникатив-прагматик аспекти таҳлил қилинган. Шунингдек, Н.Н.Болдырев, А.Н.Баранов, Т.В.Абрамова, Г.Г.Слышкин, А.А.Кибрик каби олимлар матн ва матнинг таркиби, уларнинг прагматик моҳиятини ўрганишган<sup>32</sup>. Айрим тадқиқотларда

<sup>11</sup> Kessler, Brad. "One Reader's Digest: Toward a Gastronomic Theory of Literature." *The Kenyon Review* 27.2 (2005): 148-165. Web. 11 Jan. 2011, Leynse, Wendy and Romona Pérez. "Food as Metaphor." *Encyclopedia of Food and Culture*. Gale, 2003. N. pag. Answers.com. Web. 8 Jan. 2011.

<sup>12</sup> Lakoff G. *Women, Fire, and Dangerous Things*. University of Chicago Press. – Chicago, 1987. – P. 632.

<sup>13</sup> Гинзбург Е. Преобразования словообразовательных гнезд. I // *Проблемы структурной лингвистики* 1979. – М.: Наука, 1981. – С. 32 - 54.

<sup>14</sup> Галперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. Монография. – М.: Наука, 1981. – 140 с.

<sup>15</sup> Ван Дейк, Тён. Язык, познание, коммуникация. Б.: БГК им. И. А. Бодуэна де Куртенэ, 2000. – 308 с.

<sup>16</sup> Остин Дж. Л. Чужое сознание. – В кн.: *Философия, логика, язык*. – М.: 1987; англ. *Other Minds*, 1953.

<sup>17</sup> Сёрл Дж. Р. Что такое речевой акт? Косвенные речевые акты; Классификация речевых актов // *Новое в зарубежной лингвистике*. Вып. XVII. – М., 1986.

<sup>18</sup> Моррис Ч.У. Значение и означивание // *Семантика*. – М., 1984. – С. 118 – 132.

<sup>19</sup> Пирс Ч.С. Избранные философские произведения. – М.: Логос, 2000. – 412 с.

<sup>20</sup> James Paul Gee. *An introduction to discourse analysis. Theory and practice*. – Routledge, 2005. – P. 209.

<sup>21</sup> Телия В.Н. Метафора и ее роль в создании русской языковой картины мира // *Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира*. – М.: Наука, 1982. – С. 173–205.

<sup>22</sup> Бородин Л.В. Антропоцентризм юмористического дискурса. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2015. – 26 с.

<sup>23</sup> Кибрик А.А., и Паршин П.Б. 2001. Дискурс. – Энциклопедия "Кругосвет" ([www.krugosvet.ru](http://www.krugosvet.ru)).

<sup>24</sup> О термине «дискурс» и стоящей за ним структуре знания // *Язык. Личность*. Текст: Сборник к 70-летию Т.М. Николаевой // *Ин-т славяноведения РАН; Отв. ред. проф. В.Н. Топоров*. М.: Языки славянских культур, 2005. С. 23-33.

<sup>25</sup> Ермоленкина Л.И. Дискурсивная личность в коммуникативном пространстве современного радио // *Вестник Томского государственного педагогического университета*. 2017. Вып. 2 (179). – С. 37-40.

<sup>26</sup> Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Издательство ЖИ, 1989. – 264 с.

<sup>27</sup> Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2004. – 390 с.

<sup>28</sup> Макаров М.Л. Основы теории дискурса. – М.: Библиогр. 2003. – С. 247-273.

<sup>29</sup> Виноградов В.А., Коваль А.И., Порхомовский В.Я. Социолингвистическая типология: Язык и общество; Типология коммуникативных сред; Генерализация коммуникативных сред и др. Изд. 2-е, испр., доп. – М.: ЛКИ, 2008.; Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М.: Просвещение, 1959. – 656 с.; Виноградов В.В. О языке художественной прозы. – М.: Гослитиздат, 1980. – 360 с.

<sup>30</sup> Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл: логико-семантические проблемы. – 3-е изд., стер. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – 383 с.

<sup>31</sup> Матвеева Т.В. Человек. Текст. Культура. – Екатеринбург. 1994. – 233 с.

<sup>32</sup> Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. – Тамбов: Тамб. ун-та. 2001. – 123 с.; Баранов А.Н., Крейдлин Г.Е. Структура диалогического текста: лексические показатели минимальных диалогов // *Вопросы языкознания*. 1992. №3. 84-93 С. Абрамова Т.В. Диалогическое единство «просьба – реакция» (на материале русского и английского языков): автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2003. – 20 с.; Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. – М.: Academia, 2000. – 128 с.; Кибрик А.А. Когнитивные исследования по дискурсу // *Вопросы языкознания*. 1994. № 5. 126-139 С.

эса дискурс, унинг назарий таснифи, мулоқотнинг прагматик ва семантик хусусиятлари тадқиқ қилинган.<sup>33</sup>

Ўзбек олимларидан Ш.Сафаров дискурсив таҳлил структураси, М.Э. Умарходжаев<sup>34</sup>, С.М.Мўминов “Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий – лисоний хусусиятлари”<sup>35</sup> М.Саидхонов новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши<sup>36</sup>, Д.Абдуазизова паралингвистик воситаларнинг қиёсий типологик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида)<sup>37</sup> Л.Р.Раупова диалогик дискурсада полипредикатив бирликлар, Д.Ашурова, Н.Нормуродова, Б.Йўлдошев, М.Ҳакимов, А.Пардаев, Н.Махмудов, Ш.Шахобитдинова<sup>38</sup>, Н.Улуков<sup>39</sup>, Б.Менглиев<sup>40</sup>, Г.Ҳошимов<sup>41</sup>, Д.Набиева<sup>42</sup> каби олимлар прагматик тилшуносликда дискурс ва унинг тутган ўрни масалаларини ўрганишган<sup>43</sup>. Тадқиқотларда дискурс таҳлили тилшуносликнинг долзарб йўналишларидан бири сифатида антропоцентрик тамойиллар асосида кенг тадқиқ қилинмоқда<sup>44</sup>. Бироқ ўрганилаётган мавзу драматик аспектда структур-семантик, социопрагматик ва лингвокультурологик асосда қиёсий текшириш объекти бўлган эмас.

<sup>33</sup> Арутюнова Н.Д. Дискурс. В кн.: Лингвистическая энциклопедия. – М., 1990. 136-137 с.; Богданов В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. – Л.: ЛГУ, 1990. 89 с.; Макаров М.Л. Основы теории дискурса. – М.: Гнозис, 2003. 280 с.; Александрова О.В., Кубрякова Е.С. Дискурс. В кн.: Категоризация мира: время, пространство. – М., 1991. – С. 3-18.

<sup>34</sup> Умарходжаев М.Э. “Қизил китоб”га тушмаган туйғулар: кумусий лугат. – Тошкент: Академнашр, 2019. – Б. 114.

<sup>35</sup> Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий – лисоний хусусиятлари: филол. фан. номз. дисс...автореф. – Т.: 2000. – Б. 24.

<sup>36</sup> Саидхонов М. М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент. 1993. – Б. 161.

<sup>37</sup> Абдуазизова Д.А. Сравнительно-типологический анализ паралингвистических средств (на материале английского, русского, узбекского языков). кан., фил., наук., дисс. – Ташкент, 1997.

<sup>38</sup> Шахобитдинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида. – Номзодлик дисс. автореф..., Самарканд. 1993.

<sup>39</sup> Улуков Н. Лингвистик компетентликни шакллантириш омиллари. “Тил ва адабиёт таълими”, 2018-йил, 6-сон. – Б.16-18.

<sup>40</sup> Менглиев Б.Р., Бахриддинова Б.М. Ўқув лугатчилиги: талаб ва эҳтиёж. «Айюб Ғулом ва ўзбек тилшунослиги масалалари». Илмий тўплам. – Т., 2009. -б.34-41; Менглиев Б.Р., Бахриддинова Б.М. Ўқув лугатлари. “Маърифат”, 2013 й., № 82

<sup>41</sup> Хошимов. Г.М. Типология сложных предложений разносистемных языков. – Тошкент. «Фан», 1991-С.105

<sup>42</sup> Dilora Abdukhamidovna, N. ., & Botirjon Ravshanovich, A. . (2021). Expressing of Subjective Assessment by Paralinguistic Means and Their Gender Peculiarities. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 1, 9-15. Retrieved from <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/3>

<sup>43</sup> Арутюнова Н.Д. Дискурс. В кн.: Лингвистическая энциклопедия. – М., 1990. 136-137 с.; Богданов В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. – Л.: ЛГУ, 1990. 89 с.; Макаров М.Л. Основы теории дискурса. – М.: Гнозис, 2003. 280 с.; Александрова О.В., Кубрякова Е.С. Дискурс. В кн.: Категоризация мира: время, пространство. – М., 1991. – С. 3-18.

<sup>44</sup> Хазраткулов А. Ўзбек тили диалогик нутқ синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1991; Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент: Фан, 1974; Махмудов Н.М. Эллипсис в узбекском языке: Дисс...канд. филол. наук. – Т.: 1977; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. – Т.: 1978; Раупова Л. Диалогик дискурсада полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т.: 2012; Каримова Ф.С. Ўзбек тилидаги диалогик нутқнинг лингвопрагматик хусусиятлари: филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореф. – Т.: 2021; Миртожиев М.М. Гап инкор ва шаклий-мазмуний номувофиклик: филол. фан. номз. дисс...автореф. – Т.: 1997; Лутфуллаева Д. Соғда гапларда йўқлик маъносининг яширин ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2001. №5. – Б. 42-45; Юсупова Ш. Диний матн прагматикаси. – Фарғона: Классик, 2020. – 136 б.; Ҳакимов М., Газиева М. Прагмалингвистика асослари [Матн]: дарслик. – Фарғона: Классик, 2020. – 74 б.



Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Ўзбек тили системавий тадқиқи” ҳамда “Ўзбек тили имкониятларининг нутқий вокеланиши ва уни таҳлил қилиш ҳамда баҳолашнинг илмий асослари” йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади драматик дискурсдаги вербал ва новербал компонентлар структур-семантик хусусиятларининг нутқий хосланиши, мазкур компонентлар драматик дискурснинг вокелантирувчи муҳит сифатидаги ролини белгилаш, мазкур бирликларнинг асар персонажлари нутқида реаллашувчи соціопрагматик талқинини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Белгиланган мақсадга эришиш учун диссертация олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

дискурс ва унинг тилшуносликдаги моҳиятини асослаш;

драматик дискурснинг талқини, унинг ўрганилаётган муаммога тегишли кирраларини ойдинлаштириш;

инглиз ва ўзбек тилларида вербал ҳамда новербал компонентларнинг синтактик-семантик моҳиятини драматик дискурсдаги матнлар мисолида қиёслаш;

драматик дискурсда социал-ментал омилларнинг мавқеини тавсифлаш;

драматик дискурсда прагматик омилларнинг роли ва ўрнини очиш;

драматик дискурсдаги нутқий интенцияни тавсифлаш;

нутқий интенциянинг ифодаланишида вербал ва новербал компонентларнинг мавқеи масаласини ёритиш;

драматик-дискурсив системанинг шаклланиши ва хусусиятларини ёритиш;

драматик-дискурсив жараён босқичларида вербал ва новербал компонентларнинг ўрни ва мақомини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ш.Бошбековнинг “Темир хотин”, С.Ахмаднинг “Келинлар қўзғолони” ва инглиз тилида Ж.Осборннинг “Look Back in Anger”, Г.Пинтернинг “The Homecoming” драмалари матнлари дискурсига оид синтактик қурилмалар олинди.

**Тадқиқот предмети**ни драматик дискурслар матни таркибидаги гапларнинг коммуникатив-синтактик ва прагматик, вербал ҳамда новербал хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотда қўйилган муаммони ёритишда тилшуносликдаги тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, контекстуал, лингвопрагматик, лингвокультурологик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз драмаларидаги, қаҳрамонлар нутқида учровчи вербал ва новербал ҳолатларнинг гендер хусусиятлари ҳамда уларнинг, қаҳрамон социал ва ментал ҳолатида юзага келиши, ўзбек ва инглиз халқи менталитетидаги тафовутлар, икки тил драматик асарларида муаллифлар томонидан аниқ нутқда тана аъзолари ҳаракатлари, юз ифода ҳамда миллий менталитетни ифодаловчи паремиялар ҳамда иборалар билан қўлланилиши далилланган;

Ўзбек ва инглиз драмалари тилининг дискурсив, лингвокультурологик, социопрагматик хусусиятлари танланган асарлар мисолида персонажлар нуткининг социал даражаларда, турли кишилар билан мулоқотга киришиш жараёнида турли мулоқот воситалари ёрдамида, хусусан, ўзбек тилида кайнона ва келинлар, овсинлар, ака-укалар ва дўстлар ўртасидаги мулоқотнинг кечишида халқ мақоллари, фразеологизмлардан фойдаланиш жihatлари очиб берилиб, драматик дискурсда қахрамонлар мулоқотида вокеланадиган социал хосланиш сабаблари исботланган;

Ўзбек ва инглиз драмаларида адресат ва адресант мулоқотининг вербал ва новербал хусусиятлари, хусусан, дискурс назариясининг муҳим тушунчалари сифатида қараладиган пропозиция, пресуппозиция, импликатура, инференция, экспликатура, референция тушунчалари драмалардаги персонажлар нуткида турлича юзага келиши аниқланган;

бадний драматик дискурсда социал, ментал ва прагматик омилларнинг роли танланган асарлар персонажлари қиёфасида икки тилда сўзловчи халқлар миллий менталитети, ижтимоий ҳаёти, жамият ва оилага турлича назар билан қараши ҳамда бу мулоқот жараёнида намоён бўлувчи тил омиллари, хусусан, нуткнинг вербал ва новербал шакл ҳамда компонентларнинг семантик хусусиятлари далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

тадқиқот натижаларидан ўзбек ва инглиз тилшунослигида коммуникатив, синтактик, матн лингвистикаси, дискурсив таҳлил, филологик таълимда прагматик ёндашув соҳаси хусусиятларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

ўзбек ва инглиз тиллари драматик дискурси тавсифи берилган, драматик дискурсдаги вербал ва новербал компонентларнинг хусусиятлари гуруҳларга ажратилган, драматик асарлар дискурсив талқини масаласи юзасидан таҳлил амалга оширилган;

драматик асарларни таржима қилиш юзасидан назарий-амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, контекстуал таҳлил, лингвопрагматик таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, матн – дискурс дихотомиясида драматик дискурсининг прагматик хусусиятларини, вербал ва новербал компонентларнинг муносабатларини очиб беришда ишончли назарий манбалардан фойдаланилгани, шунингдек, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшуносликнинг матн синтаксиси, стилистика, лингвопрагматика, паралингвистика, социолингвистика, лингвокультурология каби соҳаларига оид назарий қарашларнинг муайян даражада ривожланишига ва тўлдирилишига хизмат қилишидан иборат. Бундан ташқари, мазкур тадқиқотнинг аҳамияти илмий хулоса ва тадқиқ усуллари

бошқа шундай ишларнинг яратилиши учун замин hozирлаши билан ҳам белгиланади.

Драматик дискурснинг матнидаги ўрни когнитив-прагматик нуқтаи назардан аниқ белгиланганлиги билан, шунингдек, тадқиқотда тўпланган материаллар олий ўқув юртларининг филология факультетларида “Матниинг филологик таҳлили”, “Матн таҳлили”, “Тил назарияси”, “Таҳлилий ўқиш”, магистратура мутахассислигида “Социолингвистика ва дискурс”, “Прагматингвистика”, “Социопрагматика”, “Психолингвистика”, “Амалий тилшунослик”, ўзбек ва инглиз тиллари синтаксиси, стилистикаси, пунктуацияси, лингвопрагматикаси, паралингвистикаси, лингвокультурологиясига алоқадор дарслик ва қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртларида маърузалар, махсус курслар ўтишда, амалий машғулотлар олиб боришда амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Драматик дискурсда вербал ва новербал компонентлар муносабати (ўзбек ва инглиз тилларидаги асарлар мисолида)” мавзусида олиб борилган тадқиқот асосида:

ўзбек ва инглиз драмаларидаги қахрамонлар нуткида учровчи вербал ва новербал ҳолатларнинг гендер хусусиятлари ҳамда уларнинг қахрамон социал ва ментал ҳолатида юзага келиши, ўзбек ва инглиз халқи менталитетидаги тафовутлар хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий - тадқиқот институти томонидан олиб борилган FA-F1 G003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” (“Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши”) (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойихада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 27 декабрдаги 17-02/04-сон маълумотномаси). Натижада драматик дискурс моҳиятини фақат лингвистик шакллар орқали аниқлаб бўлмаслиги, балки буни вербал ва новербал компонентлар тавсифи орқали ўрганиб кўриш кераклиги асосланган;

ўзбек ва инглиз драмалари тилининг дискурсив, лингвокультурологик, социопрагматик хусусиятлари танланган асарлар мисолида персонажлар нутқининг социал даражаларда, турли кишилар билан мулоқотга киришиш жараёнида турли мулоқот воситалари ёрдамида, хусусан, ўзбек тилида қайнона ва келинлар, овсинлар, ака-укалар ва дўстлар ўртасидаги мулоқотнинг кечишида халқ мақоллари, фразеологизмлардан фойдаланиш жиҳатларига онд натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган FA-A1-G007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий лойихада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 27 декабрдаги 17.02/04-сон маълумотномаси). Натижада танлаб олинган драматик асарлар матнида қўлланган халқ мақолларининг прагматик, лингвомаданий хусусиятлари лингвистик тадқиқот объекти сифатида жамланган;

Ўзбек ва инглиз драмаларида адресат ва адресант мулоқотининг вербал ва новербал хусусиятлари, хусусан, дискурс назариясининг муҳим тушунчалари сифатида қараладиган пропозиция, пресуппозиция, импликатура, инференция, экспликатура, референция тушунчаларига оид хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2020-2021 йилларда бажарилган I-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” номли инновацион лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 17 январдаги О4/174-сон маълумотномаси). Натижада драматик асарларнинг вербал ва новербал компонентлари муносабатлари лисоний имкониятларининг инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва рамзий тимсоллар тавсифларини очиқ беришнинг янги имкониятлари кўрсатиб берилган;

бадий драматик дискурсада социал, ментал ва прагматик омилларнинг роли танланган асарлар персонажлари қиёфасида икки тилда сўзловчи халқлар миллий менталитети, ижтимоий ҳаёти, ҳаёт ва оилага турлича назар билан қараши ҳамда бу мулоқот жараёнида кўрсатиб турувчи тил омилларига доир илмий хулосалардан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг олтин воҳа дастуридаги “Тил – миллат кўзгуси”, шунингдек, “Мунозара” эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 14 январдаги 17-05/16-сон маълумотномаси). Натижада радио тингловчилар драмаларнинг бадий матндаги ўрни, драматик дискурс таҳлилида намоён бўладиган, коммуникатив-поэтик нуктаи назардан аниқ белгиланган ўзбек ва инглиз тилларининг синтаксиси, стилистикаси, пунктуацияси, лингвопоэтикаси, лингвопрагматикаси ҳақидаги маълумотларга эга бўлишган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича республика ва хориж журналларида жами 19 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола (4 та республика, 5 та хориж) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги

кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён килинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Ишнинг биринчи боби “Прагматингвистикада дискурс ва унга алоқадор ҳодисалар” деб номланиб, унинг биринчи фасли “Дискурс ва унинг шаклланиши, тилшуносликда дискурсга алоқадор ҳодисалар” деб номланган. Унда дискурснинг шаклланиши ва тилшуносликда дискурсга алоқадор ҳодисалар ҳақида фикр юритилади.

Дискурс ҳамда дискурсив таҳлил атамасини биринчи марта Зеллиг Харрис боғланган нутқ ва ёзиш таҳлил қилиш усули сифатида ишлатади.

Дискурс ва унинг таҳлили бўйича қатор изланишлар олиб борган тилшунос олимлар Ш. Сафаров, А.В. Зеленшиков, Н. Маҳмудов, З. Пардаевлар дискурс назариясининг муҳим тушунчалари ва уларнинг талқини бўйича ўз мулоҳозаларини илгари суришган. Жумладан, дискурс назариясининг муҳим тушунчалари сифатида қуйидагилар қайд этилган<sup>45</sup>:

### Дискурс



“Ўзбек ва инглиз тилидаги драматик асарларининг социопрагматик хусусиятлари” деб номланган фаслда ҳар икки тилдан танланган драмаларнинг социопрагматик хусусиятлари ҳақида сўз боради. Инглиз тилшунос олимларидан Дж. Остин драматик дискурсда нутқ ҳаракатларидаги нозик маъно кирраларини таҳлил қилар экан, нутқнинг микро-прагматик дастури мавжудлигини асослайди.<sup>46</sup> Олим фикрини асослашга ҳаракат қилар экан, қуйидагича мисол келтиради: “Агарда мен жамоат транспортида эр-хотинга қараб “мен сизларни эр-хотин деб эълон қиламан” десам, бу мен ҳақимда “акдан озган” деган фикрнинг пайдо бўлишидан бошқа ҳолат ва фикр уйғотмайди. Боиси ушбу айтилган фикр нутқ вазияти ва контекстига мутлақо мос эмас.”<sup>47</sup> Кўринадики, нутқнинг хосланиши бевосита нутқий вазиятга боғлиқ, нутқий вазиятнинг қандайлиги драмаларда қаҳрамонларнинг ўзаро мулоқоти жараёнида матн орқали намоён бўлади.

Ўзбек тилидаги драмаларда қаҳрамонлар нутқининг прагматик ва социопрагматик хусусиятлари қуйидаги воситалар орқали намоён бўлади:

Новербал компонентларнинг фаол қўлланиши;

<sup>45</sup> Сафаров Ш.С. Прагматингвистика. –Тошкент, 2008. –Б. 320-119; Зеленшиков А. Б. Пропозиция и модальность. Изд-во. Санкт-Петербург. ун-та, 1997. –С. 208-209; Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап. “Ўзбек тили ва адабиети”. – Тошкент, 1986. –Б. 29; Пардаев А.Б. Дискурс ҳақида айрим мулоҳазалар. –Б.1, Пардаев З. Прагматик лингвистика. – Самарқанд, 2013. –Б.104.

<sup>46</sup> Изоҳ. ушбу илова/жадвал юқорида номлари келтирилган тилшунос олимлар таснифи асосида берилди.  
<sup>47</sup> Austin J. L. ([1962] 1975). How to Do Things with Words 2nd ed. Edited by J. O. Urmson and M. Sbisà, Cambridge, MA: Harvard University Press. Bucholtz, M. and Hall, K. (2005). Identity and interaction: A socio-cultural linguistic approach. Discourse Studies, 7(4/5), 585–614.

<sup>47</sup> Austin J. L. ([1962] 1975) How to Do Things with Words. 2nd ed. Edited by J. O. Urmson and M. Sbisà, Cambridge, MA: Harvard University Press. Bucholtz, M. and Hall, K. (2005). Identity and interaction: A socio-cultural linguistic approach. Discourse Studies, 7(4/5), 585–614.

Мақолларнинг қаҳрамонлар нутқи прагматик томонини ифодалаши;

Импликация;

Ирония.

Ш. Бошбековнинг “Темир хотин” драмасида ушбу хусусиятлар қуйидагича намоён бўлади:

**САЛТАНАТ.** *Ҳа, тасин келдингизми, кўч-кўронингизни кўтариб? Лўлида тиним бор, сизда тиним йўқ? (Кўчқорга.) Не, нега серрайиб турибсиз, бир чиқиб қаранг уларингизнинг қилган ишини!* (Ш. Бошбеков, “Темир хотин”).

Икки қаҳрамоннинг ўзаро мулоқоти воқеликнинг мантқан нимадан бошланганлигидан далолат беради. Кўчкор образининг безътиборлиги, хаётий тизгинининг издан чиққанлиги ва турмуш тарзининг бетартиблиги ҳар икки қаҳрамон нутқи орқали ифодаланади.

Инглиз адабиётида нутқнинг соціопрагматик хосланишини тадқиқ қилган Ж. Томос бир қанча атрибутларни алоҳида ажратиб кўрсатади.<sup>48</sup>

Ушбу кўрсатилган атрибутлар драматик дискурсга ҳам тааллуқлидир. Бундан ташқари, қуйидагиларни ҳам драматик дискурсни характерловчи хусусият дейиш мумкин:

Лексик тўсиқлар (иммм, мм, ....);

Ундов ва модал сўзлар.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Ўзбек ва инглиз тилларидаги драматик асарларда учрайдиган паремиялар” деб номланган. Ушбу бобда халқ мақоллари ва уларнинг драматик асарларда воқеланиши, ўзбек ва инглиз тилларида учрайдиган фразеологизмлар таҳлил қилнган.

Мақоллар бўйича тадқиқотлар турли аспектларда интегратив ёндашув асосида амалга оширилган. Мақоллар антропология, когнитология, фольклор ва психология фанлари кесимида ўрганилган. R. Jakobson асарига асосланиб, муаллиф мақоллар учун учта асосий вазифани белгиланган:

аргументларни қўллаб-қувватлаш;

ёш авлодни ўргатиш (тарбиялаш);

муносабатларни кучайтириш<sup>49</sup>.

Джин Л. Бриггс мақолни тавсифловчи саккиз омилни қайд этади<sup>50</sup>:

Боғловчи ибора (олдинги гапларни мақолга боғловчи гап, кейинги матн);

Мақол ва иборада айтилган фикр эгаси//шахси аниқ бўлади;

Коннотатив жиҳат (маълум шахсга қаратилган мақол аслида инсониятга ёки жамоага нисбатан қўлланади);

Мақол матни (мақолнинг ўзи);

Махсус ассоциация (агар маълум бўлса, мақолнинг келиб чиқишини баён қилиш);

Умумий маъно ва/ёки тахминий ҳолат (мақолни очиқ тушунтириш ва/ёки қўллаш);

<sup>48</sup> Thomas, J. (1981) Pragmatic failure, unpublished MA dissertation, University of Lancaster. Thomas, J. (1983) Cross-cultural pragmatic failure Applied Linguistics, 4(2), 91–112.

<sup>49</sup> Jean L. Briggs. Never in Anger: Portrait of an Eskimo Family (Cambridge, MA: Harvard University Press, 1970).

<sup>50</sup> Ўша асар. Jean L. Briggs. 1970.

Контекстга алокадорлик (мақол қайси контекстга очик боғланиши айтилади);

Тасдиқлаш (сўзловчи ва тингловчилар томонидан мақолнинг тўғрилигини тасдиқлаш).

Ж.Ф. Киндstrand<sup>51</sup> ва Ж. Руссо<sup>52</sup> маълумотларига кўра: “Мақолнинг таърифи кўплаб фанлар олимларини асрлар давомида изланишга ундаб келган. Аристотелдан то ҳозирги кунгача фалсафий мулоҳазаларда мақолларга турли хил таърифлар берилган”<sup>53</sup>. У. Миедер мақолни “халқнинг қисқа, умумий маълум бўлган, ҳикмати, ҳақиқати, ахлоқий ва анъанавий қарашларни мажозий, катъий ва эсда қоладиган ҳамда авлоддан-авлодга ўтадиган шаклда ўз ичига олган жумласи” деб таърифлаган<sup>54</sup>. Эронлик олим Ҳ. Молланазар мақол ҳақидаги ўзига хос фикрни келтириб ўтади: “мақол – маълум бир контекстдаги маъно бирлиги бўлиб, сўзловчи ва тингловчи бир маънога эришади”<sup>55</sup>.

Кузатишлар шуни кўрсатадики мақолларнинг қўлланиши куйидаги нуткий талаб билан воқеланган:

Қаҳрамоннинг характер хусусиятларини ёритиш;

Иронияни ифодалаш;

Қаҳрамонлар ўртасидаги коммуникатив алоқада коммуникатив мақсадни ёритиш;

Қаҳрамон нутқининг прагматик дастурини ифодалаш.

Драматик дискурсада воқеланган мақолларни таҳлил қилиш жараёнида мақоллар *истеҳзо*, *кесатиқ*, *ирония*, *сатирик* мазмунни ифодалашда ҳам асосий роль ўйнайдиган восита эканлигини кўриш мумкин. Инглиз ва ўзбек драмаларида тил, давр, этник жиҳатдан умумийликлар асосий ғоя, образлар характеристкасини ёритишда ишлатиладиган воситалар, уларнинг танланишида кузатилади.

“Келинлар кўзғолони” драмаси қаҳрамони Башорат нутқида когнитив жиҳатдан мақолларнинг қўлланилиш шаклига диққат қаратсак:

персонаж нутқида “source domain (манба соҳаси)” – яъни нутқни бошлашдан олдин уни концептуал нуқтаи назаридан шакллантириш, мазмунан бойитиш ҳамда адресант жавобига таъсир ўтказиш;

персонаж нутқида “target domain (концептуал майдон)” – яъни мулоқот давомида адресат бошқаларга ўз фикрини аниқ ифодалашга ҳаракат қилиши кузатилади. Мақоллар салмоғи Башорат нутқида фаол бўлганлиги учун унинг нутқида мақолларнинг қўлланишини куйидаги когнитив харита орқали ифодалаш мумкин:


<sup>51</sup> Kindstrand J.F. (1978: 74), citing the testimony of Diogenes Laertius 5.26, and Athenaeus 2.56.60 d-e.

<sup>52</sup> Russo J. (1983) The Poetics of an Ancient Greek Proverb. Journal of Folklore Research 20(2/3): 121-130.

<sup>53</sup> Mieder W. (2004). Proverbs: A handbook. London: Greenwood Press.

<sup>54</sup> Ўша асар: Mieder W. (2004).

<sup>55</sup> Mollanazar H. (2001). Principles and methodology of translation. Tehran: SAMT.



Драманинг кенг диалог кўриниши мақолга мувофиқ давом этган. Мақол орқали қаҳрамоннинг характер қирралари намоён бўлади. Башорат ўз фикрини тўғридан-тўғри ифода этмайдиган образ. “Темир хотин” драмасида эса Қўчқорнинг характер қирраларини кўрсатишда мақоллардан фойдаланилган ўринлар мавжуд:

**АЛОМАТ.** Энди бор умидингиз болаларингиздан, уларни ўқитиб «катта одам» қилмоқчисиз. Лекин уларингиздан «катта одам» чиқмайди. Қишин-ёзин даладан бери келмайдиган чаласавод болалардан ҳеч бало чиқмаслигини биласиз. Фарзандларингизнинг ўзингизга ўхшамаслигини истайсиз, демак, ўзингизнинг қимлигингизни ҳам биласиз! Ақлингиз етади! Лекин яна «кўпга келган тўй» (мақол) деб юраверасиз! Ахир, умр ўтиб кетяпти-ку, Қўчқор ака!

Қўчқор “кўпга келган тўй” деб эргашиб кетаверадиган одам. Аломат тилидан ишлатилган мақолнинг семантик таркибини белгилайдиган бўлсак, Қўчқорга нисбатан “итоаткор”, “бўйсунувчан”, “мустақил фикри йўқ” деган таърифлар тўғри келади.

Инглиз тилида ҳам ирония қаҳрамонлар нутқининг ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлади. Фарқли жиҳати мақоллар орқали эмас, метафоралар ёки идиомалар орқали келтирилади:



**JIMMY:** *I told you-pusillanimous. Do you know what it means?*

*Cliff shakes his head.*

*Neither did I really. All this time I have been married to tis woman, this monument to attachment, and suddenly I discover that there is actually a word that's sum up. Not just adjective in the English language to describe her- with- it's her name.!*

Я.Д. Пинхасов фразеологик бирликлар туркумига сўзлар, афоризмлар, терминологик характердаги турғун иборалар киради, деб ҳисоблайди.<sup>56</sup> Инглиз олими Р.Лангаккернинг фикрига кўра: “Бир томондан, идиоматик кетма-кетликларнинг таърифлари ва таксономиялари фразеологлар ўртасида хали ҳам мунозарали бўлиб колмоқда, бошқа томондан, фраземаларнинг грамматикага интеграциялашуви уларнинг мунтазам эканлигини эмас, балки конструкциялар ва бирликлар орасидаги континиумда ўз ўрнига эга бўлиши кераклигини англатади.”<sup>57</sup>

Тахлиллар шуни кўрсатадики, қуйидаги фраземаларнинг қўлланилиш частотаси бошқаларига нисбатан юқори ва айнан ўзбек тилида муқобили борлари қуйидагилар:

*You mark my word— Қўлогига қуймоқ/ қуйиб олмоқ;*

*To have breathe of air—шамоллаб келмоқ;*

*He pretends he was thinking aloud— Дилидагини тилига чиқармоқ, ўйламасдан гапирмоқ;*

*Down in smb own blood— ўз ёғига қоврилмоқ;*

*Hat you'll to pull your weight a little— ўз аравангни ўзинг торт;*

Драмаларда қўлланилган фразеологизмларнинг семантик ва синтактик тузилиши:

Phrase+0	<i>I don't like liberties.</i>
Phrase+numeral or numeral+phrase	<i>Two bleding hours?</i>
Phrase+a/an/the	<i>The question doesn't fall within my province</i>
Phrase+pronouns or pronouns+phrase	<i>My own flesh and blood, all on my own</i>

Ушбу жадвал ибораларнинг қўлланиши, валентлик ходисасига мувофиқлиги қандайлигини асослашга хизмат қилади. Инглиз тилидаги драматик дискурда фразеологизмлар шу тартибда ўзидан олдинги ёки ўзидан кейинги сўзга боғланади.

**2.2.1-жадвал. Фраземаларнинг синтагматик типологияси**

Phraseme	
Types	Examples
Idiom	<i>big shot; second hand; to push up the daisies; to hear on the grapevine</i>
Compound	<i>town hall; deadline; brother-in-law; honeymoon; greenhouse</i>
Phrase-term	<i>Value-Added Tax</i>
Phrasal verb	<i>run into; give up; look for; keep up with</i>
Collocation	<i>heavy smoker; fatal mistake; commit suicide</i>

<sup>56</sup> Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Хамида Алимджана: Автореф.дисс. канд филол наук. –Ташкент, 1953.

<sup>57</sup> Langacker, Ronald. 1987–1991. Foundations of cognitive grammar, Vol. I [1987] and Vol. II [1991]. Stanford: Stanford University Press.



Фраземаларнинг синтагматик моҳиятига кўра хосланиши асосан шаклий тузилишини назарда тутлади. Шунингдек, биз ушбу бирликларнинг контекстдан ажратилганда ҳам алоҳида маъно ва функцияга эга бўлишига диққат қаратдик.

*Max Well, you are going to have to share her! Otherwise, she goes straight to America?*

*Pause.*

*It's tricky enough as it is, without you shoving your oar in. But there's something worrying me. Perhaps sh'e not so up to the mark, Eh? Teddy, you're the best judge. Do you think she'd be up to the mark?*

К. Ж. Филлмор, Р. Кай, ва М. О'Конорлар фикрига кўра, ҳар қандай конструкция кенгрок контекстда киритилишини бошқарадиган ички ва ташки синтактик тузилишга эга.<sup>58</sup> Драмтик дискурсда фразеологизмлар нуткий вазиятга мувофиқ қўлланади ва контекстуал маъно ҳам концептуал маъно билан боғланади. Эътиборли жиҳати ўзбек тилидаги драматик дискурсда иборалар салмоғи юқори. Шунингдек, яна бир характерли жиҳати, ибораларнинг нутқда гендер хосланиши ҳам мавжуд. Фразеологик бирликлар, аксарият ҳолларда, аёллар нутқида иштирок этади.

**НИГОРА.** *Менга қаранг, Тўхта ака. Мен сизга тегаётганимда ойингизнинг шунақаликларини билиб текканман. Бу кампир сени еб қўяди, дейишди, мясорубкадан ўтқазворади, дейишди, сени эшак қилиб устингга миниб олади, дейишди. Сени игнанинг тешигидан ўтқазворади, дейишди. Бурнидан ип ўтқазиб, туяга ўхшатиб етаклаб юради, дейишди.*

**ФАРМОН** (ўрнидан туриб кетади.) *Кўрдинларми, буням бурнидан ип ўтказиб олган (Бирпасда ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетади. Маҳкам онасини жойига ўтқазди).*

Иккала мисолда ҳам “Бурнидан ип ўтказиб олган” ибораси қўлланган. Биринчи мисолда бошқаларнинг фикрини тушунтириб бериш, изоҳлаш учун қўлланган бўлса, иккинчи мисолда бошқа образнинг характер хусусиятларини таърифлаш учун қўлланган. Эътиборли жиҳати, ҳар икки мисолда ҳам айни шу ибора аёллар томонидан ишлатилган.

Умуман олганда, қаҳрамонлар нутқининг ўзига хослиги, нутқнинг прагматик дастури ва коммуникатив мақсадни ифодалашда фразеологизмларнинг роли бекиёс. Бундан ташқари, драматизмни таъминлаш, кучайтириш, ҳамда қаҳрамонлар характерини очиб бериш функцияси драматик дискурсда аниқроқ намоён бўлади. Ўзбек ва инглиз тиллари турли тил оиласига мансублигига қарамай, фразеологизмларда бир-бирига мазмун жиҳатдан мос тушадиган иборалар мавжуд. Бу эса ҳар қандай тилда хусусийлик билан бир қаторда муайян умумийликлар ҳам бор бўлишини кўрсатади. Драматик дискурс эса тилнинг шу ва шу сингари ўзига хос жиҳатини кўрсатиб берадиган муҳим восита саналади.

Қуйидаги диалогга диққат қаратадиган бўлсак:

**ҚУМРИ** (аразли). *Нима қиласиз?*

**ҚЎЧҚОР.** *Қўйвораман!*

**ҚУМРИ** (хўрлиги келиб). *Нима?..*

<sup>58</sup> Fillmore, C. J., Kay, P., & O'Connor, M. C. (1988). Regularity and Idiomaticity in Grammatical Constructions: The Case of Letalone. *Language*, 64, 501-538. <https://doi.org/10.2307/414531>.

**ҚЎЧҚОР.** Паттангни қўлингга тутқазаман!

**ҚУМРИ** (Бирпас эрига таъна аралаши қараб туради-да, дордаги кийим-кечакларини йиғиштирира бошлайди). Ҳозир эридан патта сўраб ўтирадиган замонамас.

**ҚЎЧҚОР.** Не! Бепатта кетавераман, де? (Жавоб ололмагач.) Ҳеч бўлмаса, битта қўлимни бўшатиб қўй, номард!

**ҚУМРИ.** Битта қўлингизни бўшатганим билан фойдаси йўқ.

Ўзбек драмаларига хос бўлган характерли хусусиятлардан бири оилавий муносабатларнинг нутқ орқали яққол очиб берилишидир. Шунингдек, ушбу икки драмада нутқнинг марказий ҳаракат линиясида оилавий муносабатлар билан боғлиқлик туради. Шу билан нутқнинг прагматик дастури ҳам айна шу вазиятга мувофиқ тузилган. Юқорида келтирилган мисолда эр-хотин муносабатларига тааллуқлилиқни алоҳида ифодалаб берувчи “қўйвораман”, “Паттангни қўлингга тутқазаман” сўзлари диалогнинг семантик мундарижаси, мазмун йўналиши ва мавзу характерини белгилаб беради.

Жон Осборн “Look Back in Anger” китобидан олинган тўртта драматик қаҳрамон бор – Жимми ва Алисон эр-хотин бўлиб, уларнинг никохи муаммоли. Клифф ва Жимми доимий дўстлар, аммо Клифф ҳам Алисонга яқин ва унинг ишончли одами. Ҳэлена, актриса ва Алисоннинг узок дўсти, у дугонасининг уйига тез-тез ташриф буюради. Маълумот учун бурилишлар рақамланган:

(1) **JIMMY:** *Oh, yes, and I know what I meant to tell you—I wrote a poem while I was at the market yesterday. If you're interested, which you obviously are. [To Helena] It should appeal to you, in particular. It's soaked in the theology of Dante, with a good slosh of Eliot as well. It starts off "There are no dry cleaners in Cambodia!"*

(2) **CLIFF:** *What do you call it?*

(3) **JIMMY:** *"The Cess Pool!" Myself being a stone dropped in it, you see—*

(4) **CLIFF:** *You should be dropped in it, all right.*

(5) **HELENA:** *[to Jimmy]. Why do you try so hard to be unpleasant? [He turns very deliberately, delighted that she should rise to the bait so soon— he's scarcely in his stride yet.]*

(6) **JIMMY:** *What's that?*

(7) **HELENA:** *Do you have to be so offensive?*

Маълумки, кишилар ўртасидаги мулоқотнинг энг муҳим турлари вербал ва новербал мулоқотдир.

**НOVERBAL** нутқда визуал ўзаро боғлиқлик элементларини қуйидагича белгилаш мумкин:

хулқ-атвор (маълум бир вазиятда ҳаракат);

хиссий субтекст (қўл ҳаракати, юз ифодалари);

тана ҳаракатлари орқали мулоқот қилиш (тегиш, қўл силкийтиш, кучоклаш);

кўз билан алоқа қилиш (ҳолатнинг ўзгариши, ният, давомийлик);

ҳаракат (юриш, бир жойда жойлашганда);

реакциялар (баъзи ҳодисаларга жавоб, киприк пирпиратиш, елка қисниш).

Ўзбеклар мулоқот одатида мурожаатнинг бир қанча новербал шакллари мавжуд: қўлини суҳбатдош елкасига (орқадан келганда), қўлига (ёнма-ён

турганда) теккизиш, қўл билан кўрсатиш (кўпчиликдан ажратиш учун), бошни ички томонга иргаш (ёнига чорлаш учун) кабилар, шунингдек, бир қатор луғавий маъносиз товушлар тизими (*томоқ қириш, ҳуштак чалиш...*) ҳамда юкламалар ҳам мурожаатни ифодалай олади: хей, хуй, хой, эй...каби. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, мурожаатнинг бу шакллари мукамал мулоқотда ўзини оқламайди: менсимаслик, ҳурматсизлик каби прагматик тус беради.

Шароф Бошбеков қаламига мансуб “Темир хотин” ва Саид Аҳмад қаламига мансуб “Келинлар кўзғолони” драмаларини таҳлил қилиш жараёнида новербал компонентларнинг қўлланишида қуйидаги ўзига хосликлар мавжудлигини аниқладик:

новербал компонентлар вербал компонентлар билан уйғун ҳолда қўлланади ва фикрнинг тўғридан-тўғри етказилишига хизмат қилади;

новербал компонентлар бевосита гендер хосланиш белгисига эга;

новербал воситалар қаҳрамоннинг физиологик, психологик ва психофизиологик ҳолатини тасвирлашга хизмат қилади;

яширин коммуникатив мақсадни ифодалаш, асосан, кўз ҳаракати орқали кечади;

нейросистема, психология билан боғлиқ ҳолатлар қўл ҳаракати билан ифодаланади;

қаҳрамоннинг моддий аҳволи, кайфияти, оилавий шароити, турмуш тарзини ифодалаш кийиниши билан боғлиқ ҳолда тасвирланади.

Ўзбек тилида кулиш билан боғлиқ вербал воситалар кесатик, хурсандчилик, алам сингари хиссий-рухий жараёнларни ифодалайди. Шунингдек, кулгу ва йиғи гендер хослигига кўра аёллар мулоқотида кўпроқ учрайди:

**ҚУМРИ.** *Кеча нима дедингиз?*

**ҚЎЧҚОР.** *Нима дебмиз?*

**ҚУМРИ** (*йиғламсираб*). *Айтадиганингизни айтдингиз...*

**ҚЎЧҚОР.** *Айтадиганимиз нима экан?*

**ҚУМРИ.** *Ҳали одамлар келиб, тушуштириб беришади. Мен болаларимни олиб, ойимларникига кетдим. Мактабдан тўғри ўша ёққа боришади.*

Ушбу парчада образнинг айна дақиқадаги ҳолати, коммуникатив мақсадини ифодалашга хизмат қилади. Агарда, қаҳрамоннинг ҳолати “**ҚУМРИ** (*йиғламсираб*). *Айтадиганингизни айтдингиз...*” тарзда ифодаланганда қаҳрамоннинг ҳолати ҳақида тасаввур пайдо бўлмасди. Яна бир жиҳати айнан “*йиғламсираб*”, “*йиғлагудай бўлиб*”, “*йиғлагандан бери бўлиб*”, “*йиғламоқдан бери бўлиб*”, “*йиглаб*” сингари новербал компонентлар кўп ҳолларда аёллар билан боғлиқ тасвирлаш жараёнида иштирок этади ва, асосан, алам, изтироб, иложсизлик, газаб сингари эмоцияларни ифодалашга хизмат қилади.

Новербал компонентларнинг гендер хослиги ўзбек драмаларида яққол кўринади. Айнан тана азоларининг ҳаракати билан боғлиқ вербал воситалардан қуйидагилари аёллар учун хос:

юзини четга буриш (аразлаш, норозилик, надомат сингари ҳолатларни ифодалаш учун);

пастки лабини тишлаш ва бош чайкаш (эссиз, афсусланиш ёки ҳавас);

кўрсаткич бармоқни юзининг ўнг тарафига қўйиш (уят);

йиғламсираш, кўзини пирпиратиш, лабини буриш.

Тадқиқотнинг “Вербал ва невербал компонентларнинг ўзбек ва инглиз драмаларида воқеаланиши” деб номланган учинчи бобида икки тилдаги драмалар мисолида мулоқотнинг вербал ва невербал шакллари таҳлил қилинади.

“Одатда кишилар фақат вербал коммуникациядан фойдаланмасдан невербал компонентларни ишлатишади ва бу ўзаро ҳамроҳлик ва қўллаб-қувватлашни ифода этади. Сухбатда бошини кимирлатиш ёки бошқаси гаплашаётганда “ух-хух” каби ибораларни ишлатиш тингловчига хайрихоҳликни ифода этади<sup>59</sup>.” “Ташқи кўриниш хабарлари, одатда, қабул қилинган биринчи оғзаки бўлмаган хабарлардир. Бошқа алоқа воситалари катори ташқи кўриниши, нима кийганлиги ва жозибадорлик даражасига қараб одамлар ҳақида мулоҳазаларни ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин.”<sup>60</sup>

Инглиз прагматиквисти М. Аргйленнинг фикрига кўра, “нуткий вазиятга мувофиқ келмайдиган невербал воситанинг ишлатилиши адресантнинг шахсий маконига бостириб киришни англатади. Яъни, тингловчига бу кескин таъсир кўрсатади ва у ўзини бундан олиб қочишга ёки ҳимоялашга интилади.”<sup>61</sup> Албатта, бу жараёнда жавоб реакцияси берилади ва тўла якунига етмаган нуткий вазиятни юзага келтиради. Худуд ва шахсий макон (Proxemics тарзида ҳам айтилади) – шахсий макон деганда шахснинг ўз атрофидаги макон тушунилади, худуд эса шахсий ҳаётни таъминлай оладиган каттароқ худуд (масалан, офис ёки конференция залидаги махсус стул) назарда тутилади.

Маданий жиҳатдан ҳослигига мувофиқ ўзбек драмаларидан фарқли равишда инглиз драмаларида невербал компонентларнинг қўлланишида айрим тафовутлар мавжуд.

	Ўзбек драмаларида	Инглиз драмаларида
Ташқи кўриниш	Рухий тушқунлик, моддий аҳвол кийим орқали намоён бўлади. Одатда моддий жиҳатдан кийналган, рухий ҳолати хафсаласизлик, чарчокни ифода этган кишиларда ташқи кўриниш кийимлари йиртилган, эскирган, доғ бўлган ёки хилвираган тарзда тасвирланади. Масалан: <i>Кийиб олган кийимингизни қаранг, енгил саноат етиштираётган ҳамма брак маҳсулот сиз ва сизга ўхшаганларга насиб қилади. Манави нима? Ки шу иссиқда нейлон кўйлак кияди?</i> (Темир хотин). Устидаги нейлон кўйлак, оёғидаги “патинка” Кўчкор образининг ўша вақтдаги ҳам рухий ҳам жисмоний ҳолатини ифода қилади.	Рухий тушқунлик, моддий аҳвол кийим орқали билинмайди. Рухий тушқунликка тушган, моддий аҳвали оғир ҳолатида ҳам ташқи кўринишга алоҳида эътибор қаратилади.
Юз ифодаси	Юз ифодасида хурсандлик, хафалик, норозилик сингари ҳолатлар ифодаланади. Шунингдек, мулоқот иштирокчилари бир-бирига баҳо берганда юз ифодасига кўпроқ эътибор қаратишади (самимий, сохта). Юз ифодаси ички ҳолатни кўрсатади. <i>Кўчкор ҳалиям ўзига келолмас, лекин оғзи қулоғида гўё юзида кечаги табассум қотиб қолгандай эди.</i>	Юз ифодасида кесатик, ирония, истехзо ифодаланиши кўпроқ кузатилади. Шунингдек юз ифодаси ички ҳолатни яшириш воситаси сифатида хизмат қилади.

<sup>59</sup> Klapp, M. L. (1972). *Nonverbal Communication in Human Interaction*. New York: Holt, Rinehart and Winston.  
<sup>60</sup> Virginia P. Richmond & McCroskey. (2004) *Nonverbal Behavior in Interpersonal Relations*. Pearson/A and B. ISBN. 0205372465, 9780205372461. – p. 351.  
<sup>61</sup> Argyle, M. (1988). *Bodily Communication*, 2nd ed. New York, NY: Methuen

Нуткий вазият ҳам табассум орқали ўзгариши ёки стабиллашган ҳолатда давом этиши мумкин:

**ALISON:** *All right thank you, dear.*

**Cliff:** *(grasping her hand). Why don't you leave all that, and sit down for a bit? You looked tired.*

**ALISON** *(smiling). I haven't much more todo.*

**CLIFF:** *(kisses her hand, and puts her fingers in his mouth)*

Кўринадики, табассум қилиш орқали кейинги нуткий вазият дастури унга хамоҳанг тарзда юзага келган. “Табассум гарб маданиятида муҳим новербал ишорадир. Табассум, одатда, хушмуомалалик, бахт, яқинлашиш ва ишонтириш билан боғлиқ.”<sup>62</sup> Ўзбек драмаларидан фарқли равишда инглиз драмаларида кулгу, табассум билан боғлиқ новербал воситалар юқорида таъкидланганидек, ички ҳолатни яшириш, изтиробларни никоблаш ёки истехзони ифодалаш учун қўлланилади:

**JIMMY:** *Yes it's rather us, isn't it? My gosh, look at 'em!*

*Snarling themselves silly. Next week a well known debutante relates how, during an evil orgy in Market Harborough, she killed and drank the blood of a white cockerel. Well – Fortnums must be doing a roaring line in sacrificial cocks! (Thoughtful.) Perhaps that's what Miss Drury does on Sunday evenings. She puts in a stint as evil high priestess down at the Y.W. – probably having a workout at this very moment. (to Helena.) You never dabbled in this kind of thing, did you?*

**HELENA** *(laughs) Not lately!*

*Helena laughs. Jimmy looks up quizzically.*

Ёки:

**ALISON** *(with the same comic emphasis). Poor bears! She laughs a little. Then looks at him very tenderly, and adds very, very softly) Oh, poor, poor bears!*

*Slides her arms around him.*

Образлар коммуникатив мақсади, ички ҳолати истехзоли кулгу ва табассум ортига беркитилади. Ушбу жихатни инглиз драмаларида энг кўп ва фаол қўлланувчи новербал компонентлардан дейиш мумкин.

#### “Look Back in Anger” драмасида новербал воситалар

Узр сўраш, айбдорлик ҳиссини ифодалаш билан боғлиқ новербал воситалар	Аёллар нуткида	%	Еркаклар нуткида	%
Самимий оҳангда гапириш	25	23.4	18	23.7
Табассум	12	11.2	12	15.8
Бош иргаш	2	1.9	6	7.9
Имо-ишора	7	6.5	1	1.3
Елка силаш	3	2.8	5	6.6
Комбинация	56	52.3	30	39.5
Сукут	2	1.9	4	5.3
<b>УМУМИЙ</b>	<b>107</b>	<b>100</b>	<b>76</b>	<b>100</b>

Жадвалда кўрсатилганидек, овоз темпи, табассум, бош ва қўл ҳаракати, елка ҳаракати, имо-ишора, кўз қараши орқали руҳий ҳолат, коммуникатив

<sup>62</sup> Centorrino, S., Djemai, E., Hopfensitz, A., Milinski, M., & Seabright, P. (2015). Honest signaling in trust interactions: Smiles rated as genuine induce trust and signal higher earning opportunities. *Evolution and Human Behavior*, 36(1), 8–16. doi:10.1016/j.evolhumbehav.2014.08.001

мақсад ифодаланган. Асосан, иккиланиш, таажжуб, хайратланиш, газаб, кўрқув, хаяжон билан боғлиқ ҳолатларда новербал воситалар фаол қўлланади ва нуткий вазиятни очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек тилидаги драмаларда новербал воситалар таҳлилга тортилган ҳар икки драмада ҳам қаҳрамон ички ҳолати, ўйларидан кўра ташқи вазиятни кўрсатиш ва ифодалашда фаол қўлланади. Бунга қарама-қарши равишда инглиз тилидаги матнларда асосан қаҳрамоннинг ички ҳолатига эътибор қаратилади ва у новербал воситалар орқали ифодаланади. Юқорида берилган жадвалда хижолатлилиқ, узр сўраш мазмунини ифодаловчи новербал компонентлар частотаси келтирилган.

Демак, инглиз драматик дискурсида новербал компонентлар асосий ҳис-туйғу рухий ҳолат ва эмоцияларни яшириш, ирония мазмунини ифодалаш учун қўлланади. Ифода функциясига кўра ўзбек драмаларидан фарқ қилади. Яна бир жиҳати эса инглиз драмаларида импликация яққол юзага чиқади. Қаҳрамонлар нутқининг ўзига хослиги новербал компонентлар орқали ифодаланади.

## ХУЛОСА

1. Дискурс – импликация, имплицитлик, пресуппозиция, референция сингари лингвопрагматик ҳодисаларнинг юзага чиқиши, воқеланишидаги муҳим когнитив майдон. Дискурсни турли аспектларда, хусусан драматик дискурс орқали таҳлил этиш ушбу таъкидланган лингвопрагматик ҳодисаларнинг умумий моҳиятини очиш, қонуниятларини яратиш, атрофлича таҳлил қилиш имкониятини беради. Демак, дискурсив таҳлил лингвокультурологик, когнитив, лингвопрагматик ва социопрагматик масалаларни атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш, асослаш ва ечим топишга хизмат қилувчи асосий воситалардан бўлиб хизмат қилади.

2. Драматик дискурс воқеалар ривождаги тадрижийлик, прагматик дастурланганлик хусусиятларига кўра серқирра ва мураккаб дискурсив таҳлил объекти саналади. Яна бир жиҳати эса драматик дискурда ўқувчи ва томошабинларга коммуникантлар ҳаракати, нутқининг учлик муносабати кўрсатилиши билан нисбатан мураккаб структурага эгаллиги янада ойдинлашади. Яъни, бир вақтнинг ўзида асар муаллифи, образ ва актёрлар дискурда бевосита ёки билвосита иштирок этади.

3. Драматик дискурда паремнологик бирликларнинг бошқа жанрларга нисбатан бажарадиган функцияси юқори. Драматик асарларда паремиялар дидактик, когнитив, прагматик, стилистик функция бажаради.

4. Нуткий вазиятнинг юзага келишида мақолларнинг фаол иштирок этиш хусусияти ўзбек драмаларига хос жиҳат саналади. Инглиз драмаларида эса мақоллар фаол иштирок этмайди, бироқ фразеологик бирликлар орқали нуткий вазият ташкил этилиши кузатилади. Паремнологик бирликлар нуткий вазиятнинг қайта ташкил этилиши, янгиланиши, ўзгаришини амалга оширувчи восита бўлиб хизмат қилади.

5. Драматик дискурда паремиялар драматизмни кучайтириш, образларни характер сифатида шакллантириш, коммуникатив мақсадни ифодалашда муҳим ўрин тутди. Драматик дискурда мақолларнинг когнитив функцияси юқори. Мақоллар менталитетга мувофиқ равишда ўзбек драмаларида фаол қўлланади.

6. Фразеологизмларнинг структуравий таркибидан катъий назар дискурсда уларнинг контекстуал маъноси асосий аҳамият касб этади. Драматик дискурсда фразеологик бирликлар нутқий вазиятга мувофик қўлланади, контекстуал маъно эса бевосита концептуал маъно билан боғланади.

7. Нутқий актда иштирок этувчи ҳар қандай унсур коммуникация элементи бўлиб хизмат қилади. Сабаби, адресат ва адресантлар хатти-ҳаракатлар, мимика, кийиниш, қўл ҳаракати, кўз қарашлари, тананинг ҳаракатига мувофик бир-бири ҳақида маълумот қабул қилади ва ягона хулоса чиқаришга, суҳбатдошнинг коммуникатив мақсадини баҳолашга имкон беради.

8. Драматик дискурсда коммуникатив алоқа диалоглар воситасида юзага чиқади. Диалоглар драмада тадрижийлик, давомлилик, мантикий кетма-кетликнинг тизимли ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этади. Монологлар эса нутқий вазиятга тайёргарлик кўриш, қаҳрамон ички ҳолатини ифодалашда қўлланади. Ўзбек драмаларида қаҳрамонлар нутқининг социал жихатдан фарқланиши асосан эр-хотин, қайнона-келин, овсинлар нутқида кўринади. Инглиз драмаларида эса эр-хотин, эр-хотин-учинчи шахс, рақиблар нутқида кузатилади.

9. Новербал воситалар инсоннинг ҳиссий-эмоционал ҳолатини ифодалайди ва бу ҳақда тингловчига маълумот беришга хизмат қилади. Ўзбек тилида кулиш билан боғлиқ новербал компонентлар кесатик, истехзо, изтироб, кучли изтироб сингари ҳиссий ва руҳий жараёнларни ифодалайди. Инглиз драмаларида новербал воситалар Ўзбек драмаларидан фарқли равишда ўзининг руҳий ва физиологик ҳолати, моддий аҳволи, умуман ички ҳолатини яшириш, юзага чиқармаслик учун қўлланади. Демак, новербал воситаларнинг прагматик мазмунида этник ва маданий хослик жихатдан тафовут мавжуд.

10. Драматик дискурсда қаҳрамонлар характерининг гендер белгилари ҳам вербал, ҳам новербал компонентлар орқали вужудга келади. Кулгу ва йиғи новербал компоненти, асосан, аёллар нутқида хос бўлган вербал компонент сифатида иштирок этади, эркакларда эса хурсандчилик, истехзо, яширин изтиробни ифодалашда юзага чиқади. Драматик дискурс лингвистик, лингвокультурологик, сотцолингвистик, гендеролингвистик, прагмалингвистик жихатдан нутқининг хосланишини ўзида ифода этади.